

**“Ўзметкомбинат” АЖ томонидан 2024 йилда асосий кўрсаткичларининг бажарилиш ҳолати  
ҳамда 2025 йил учун белгиланган режалар тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**

**I. 2025 йил учун белгиланган асосий прогноз кўрсаткичлар бўйича:**

**1. Ишлаб чиқариш ҳажми.**

Жами **10,4 трлн сўмлик 1 150,0 минг тонна** металл прокати маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кутилмоқда, (ўсиш суръати **138,6 %**). Жумладан:

- навли прокат – **600,0 минг тонна** (ўсиш суръати **118,2 %**);
- пўлат золдирлар – **250,0 минг тонна** (ўсиш суръати **100,7 %**);
- иссиқ ҳолда прокатланган лист ўрамлари – **300,0 минг тонна**.

**Маълумот учун:** жорий йил январь-апрель ойларида жами **206,9 минг тонна** (ўсиш суръати **70,6 %**) металл прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, шундан **80,8 минг тонна** (ўсиш суръати **99,7 %**) пўлат золдирлар ташкил қилди.

**Изоҳ.** Ишлаб чиқарииш кўрсаткичларининг бажармаслик сабаблари - бу: маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар томонидан қора металл парчалари ва чиқиндиларини топшириши мақсадли кўрсаткичларининг бажариида қолоқликларга йўл қўйилаётганлиги.

**Маълумот учун.** Вазирлик, идора, хўжалик бирлашималари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан **700,0 минг тонна** қора металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва топшириши мақсадли кўрсаткичлари белгиланган.

2025 йил январь-апрель ойларида **130,8 минг тонна** қора металл парчалари ва чиқиндилари вазирлик, идора, хўжалик бирлашималари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан топширилган.

Бугунги кунда қора металл парчалари ва чиқиндиларини “Тошкент металлургия заводи” МЧЖ ҚҚ, “Ўзчармсаноат” ўюшмаси, “Ўзмаҳсусмонтажсўрилиши” АЖ ҳамда Андижон вилояти, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Сирдарё вилояти ҳокимликлари умуман топширмаган.

**2. Инвестиция дастури** доирасида **2025** йилда жами **65,0 млн доллар**, шундан **65,0 млн доллар** тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилади (**2024** йилга нисбатан **98,5 фоиз**).

Бунда, инвестициялар **металлургия саноати** (**65,0 млн доллар**) йўналишидаги жами - **3 та лойиҳалар** ҳисобига ўзлаштирилишини кафолатлайман.

Мазкур инвестицияларни ўзлаштириш кўрсаткичларига эришиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- **1 та** лойиҳаларда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, ишга туширилади;
- **1 та** йирик лойиҳани амалга ошириш бўйича музокаралар якунланиб, лойиҳаларга старт берилади;
- **1 та** лойиҳага хорижий молия институтларини жалб қилиш учун **1 та** давлатга тадбиркорлар билан бизнес ташрифлари амалга оширилади;

Инвестиция дастурлари доирасида **2025** йил давомида **824,0 млн долларлик 1 та** йирик ҳамда **9,0 млн долларлик 1 та** кичик лойиҳалар ишга туширилиб, **529 та** янги иш ўринлари яратилиши таъминланади.

Бу кўрсаткичларга эришиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- ҳар бир лойиҳага бириктирилган масъул раҳбар ва ходимлар томонидан лойиҳаларни амалга оширилиши назоратга олиниб, кунлик ҳисоботлари эшитиб борилади;
- тармоқ жадвалларига мувофиқ амалга ошириладиган ишлар кунлик мониторинг қилиниб, аниқланган муаммоларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилади;

- 1 та лойиха бўйича хориждан келтирилган технологик жиҳозларни ўрнатиш ва қурилиш ишларини якунлаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш ишлари жадаллаштирилади;

**Маълумот учун:** Жорий йилнинг январь – апрель ҳолатига **19,0 млн доллар** (режага нисбатан **118,7 %**) миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилди.

### “Ўзметкомбинат” АЖ билан “Danieli” (Италия) компанияси ҳамкорлигига амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида

#### МАЪЛУМОТ

##### I. “Қуюв-прокатлаш мажмуасини қуриш” инвестиция лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар:

Мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида технологик ускуналарни етказиб бериш учун “Danieli” (Италия) компаниялар гурухи билан жами қиймати **360,2 млн евролик** шартнома имзоланган.

Комбинат томонидан жами **325,3 млн евро** миқдорида тўлов амалга оширилди. Шундан, қиймати **253,7 млн евро** ёки **94,8 фоиз** (жами **267,7 млн евро**) технологик ускуналар комбинатга келтирилди ва **253,5 млн евро** ёки **94,7 фоиз** божхона расмийлаштирувидан ўтказилди.

Киймати **20,6 млн евро** бўлган асосий технология ускуналари учун инжиниринг **100 фоиз** ишлаб чиқилди. Жами **2,58 млн евро** ёрдамчи ускуналар ва эҳтиёт қисмлар инжиниринг лойиҳасининг **100 фоизи** ишлаб чиқилди.

“Danieli” (Италия) компаниялар гурухи монтаж жамоаси босқичма – босқич қурилиш майдончасида асосий ва ёрдамчи технологик ускуналарни монтаж қилиш жараёни давом этмоқда ва керакли техникаларнинг аксарият қисми қурилиш майдончасига ўрнатилди.

Хозирги кунга қадар қурилиш майдончасида **53,3 млн евро** ёки **90 фоиз** (жами **60,5 млн евро**) миқдорида монтаж ишлари амалга оширилди.

Лойиҳанинг йиллик қуввати – **1,04 млн тонна**.

Яратиладиган иш ўрни сони – **1 295 нафарни** ташкил этади.

##### II. “Danieli” (Италия) компанияси билан амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли лойиҳалар:

1. Иссик брикетланган темир (ГБЖ) ва Тўғридан-тўғри тикланган темирни (ПВЖ) эритишига мослаштирилган “Янги пўлат эритиши печини қуриш билан бирга Электрда пўлат эритиши бўлинмасини модернизация қилиш” лойиҳаси.

Лойиҳанинг тахминий қиймати: **24 млн евро**;

2. Замонавий энергосамарадор технологияларни ўзлаштириш орқали “Металлни узлуксиз қувиш машинасини модернизация қилиш” лойиҳаси.

Лойиҳанинг тахминий қиймати: **14 млн евро**;

3. Янги энерготежамкор технологиялар асосида “Навли прокат бўлинмасини қуриш” лойиҳаси.

Лойиҳанинг тахминий қиймати: **27 млн евро**.

##### 3. Экспорт.

2025 йилда жами **30,5 млн долларлик** (ўтган йилга нисбатан **102,7 фоиз** ёки **+ 800,0 минг доллар**) экспорт амалга оширилади.

Бунда, экспорт ҳажмлари **қора металл прокат маҳсулотлари** (**12,0 млн доллар**), **мис ва унинг қоришимларидан бўлган маҳсулотлар** (**16,9 млн доллар**), **иссиқлик ўтказмайдиган маҳсулотлар** (**0,4 млн доллар**), **сирланган эмал идишлар** (**1,2 млн доллар**), маҳсулотлари ҳисобига таъминланишини кафолатлайман.

Ушбу экспорт кўрсаткичларини таъминлаш учун қуийдаги чоралар кўрилади:

- Йирик халқаро “**Қурилиш UzBuild 2025**” кўргазма ва бошқа ярмаркаларда комбинат иштироки таъминланади;

- **Қора металл прокат маҳсулотларини** Тожикистон Республикаси ва ички норезидент компанияларга экспорти амалга оширилади;

- “Қуюв прокат мажмуасини қуриш” **инвестиция лойихаси доирасида** ишлаб чиқариладиган **иссиқ ҳолатда прокатланган лист ўрамлари** экспорти амалга оширилади.

**Маълумот учун:** 2025 йил январь-апрель ойларида жами **4,8 млн долларлик** (режага нисбатан **91,0 фоиз**) маҳсулотлар экспорти амалга оширилди.

#### **4. Таннархни қисқартириш.**

2025 йил якуни билан **500,0 млрд сўмни** ташкил этиши режалаштирилмоқда.

#### **5. Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар.**

2024 йил 1 май ҳолатига дебитор қарздорлик **2 316,020 млрд сўм**, кредитор қарздорлик **1 149,75 млрд сўм**.

2025 йил 1 май ҳолатига дебитор қарздорлик **1 307,64 млрд сўм**, кредитор қарздорлик **451,05 млрд сўм**.

#### **6. Бюджетга тушумлар.**

2025 йилда бюджетга жами **800,0 млрд сўм** тушумлар амалга оширилиши кутилмоқда.

**Маълумот учун:** 2025 йил январь-апрель ойларида жами **141,7 млрд сўмлик** бюджетга тўловлар амалга оширилган.

#### **7. Соғ фойда.**

2025 йил якуни билан **747,3 млрд сўмни** ташкил этиши режалаштирилмоқда (*ўсиши суръати 158,9 %*);

#### **Муаммоли масалалар:**

1. Вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан **700,0 минг тонна** қора металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва топшириш мақсадли кўрсаткичлари белгиланган.

2025 йил **январь-апрель ойларида 130,8 минг тонна** қора металл парчалари ва чиқиндилари вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан топширилган.

Бугунги кунда қора металл парчалари ва чиқиндиларини “Тошкент металлургия заводи” МЧЖ ҚҚ, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, “Ўзмаҳсусмонтажқурилиши” АЖ ҳамда Андижон вилояти, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Сирдарё вилояти ҳокимликлари умуман топширимаган.

“Ўзметкомбинат” АЖга қора металл парчалари ва чиқиндиларини топширган вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликларнинг режа кўрсаткичларидан салмоқли даражада кам бажарилмоқда.

#### **2. Электр энергиянинг кескин ошганлиги сабабли маҳсулот таннархи ошган.**

**Маълумот учун:** 1 кВт соат учун сарфланадиган ҳаражсат қўйидагича:

Тизиз вактда - 1500 сўм (Соат 06:00-09:00 ва 17:00-22:00)

Кундузи - 1000 сўм (Соат 09:00-17:00)

Кечаси - 666,67 сўм (Соат 22:00-06:00)

**“Ўзметкомбинат” АЖда 2025 йил давомида энергия ресурсларига бўлган талаб (ийллик):**

Электр энергияга бўлган талаб: **980 млн кВт.с**

Табиий газга бўлган талаб: **101 млн куб.м**

## II. 2024 йилда асосий прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича:

### **1. Ишлаб чиқариш ҳажми.**

Жами **7,5 трлн сўмлик 780,7 минг тонна** металл прокати маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, режа ҳажм кўринишида **75,5 фоизга** бажарилди (*ўсиши суръати 75,9 %*). Жумладан:

- навли прокат – **534,3 минг тонна** ёки режага нисбатан **68,2 %** (*ўсиши суръати 68,5 %*);
- пўлат золдирлар – **246,4 минг тонна** ёки режага нисбатан **98,6 %** (*ўсиши суръати 99,4 %*).

*Изоҳ.* Ишлаб чиқариши кўрсаткичларининг бажармаслик сабаблари - бу: маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар томонидан қора металл парчалари ва чиқиндилигини топшириши мақсадли кўрсаткичларининг бажаршида қолоқликларга ўйланаётганлиги.

**Маълумот учун.** Вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан **760,7 минг тонна** қора металл парчалари ва чиқиндилигини тайёрлаш ва топшириши мақсадли кўрсаткичлари белгиланган бўлиб, амалда **605,3 минг тоннага** бажарилган ёки **80 %** (**-155,4 минг тонна**). Бунда, вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари **82,2 минг тонна** ва маҳаллий ҳокимликлар **73,2 минг тоннага** кам бажарган.

### **2. Инвестиция дастури доирасида “Ўзметкомбинат” АЖ томонидан **66,0 млн доллар** хорижий инвестициялар (режага нисбатан **115,6 %**, ўсиши суръати – **40,74%**) ўзлаштирилди.**

Шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар – **66,0 млн доллар** (режага нисбатан **115,6 %**).

### **3. Экспорт.**

Комбинат томонидан 2024 йил январь-декабрь ойлари учун жами **29,678 млн. доллар** миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинган. Режага нисбатан **92,2 %**. (**32,200 млн доллар**). Ўсиш суръати **30,0 %**. (2023 йил январ – декабр – **99 066,0 минг доллар**).

*Шундан:*

- Қора металл прокати маҳсулотлари – **14,699 млн долларга** жами **21,2 минг тонна**. Асосий бозорлар: Ички нерезидент компаниялар ва Тожикистон Республикаси;
- Мис ва латун ленталари – **13,6 млн долларга** жами **1 506,9 тонна**. Асосий бозорлар: Туркия, Қирғизистон, Россия, Озарбайжон, Беларусь Республикалари;
- **Иссиқлик ўтказмайдиган маҳсулотлар -364,5 минг долларга**;
- Асосий бозорлар: Тожикистон, ички нерезидент компаниялар;
- **Сирланган эмал идишлар - 1 007,8 минг долларга**;
- Асосий бозорлар: Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Озарбайжон, Болгария, Чехия, Россия, Латвия ва Молдова давлатлари.

*Йиллик экспорт прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаслик сабаблари қуийдагилардан иборат:*

1. Европа давлатларида қора металл прокати маҳсулотларининг нархлари **2024 йил**, кескин пасайганлиги ҳамда транспорт харажатлари ошганлиги сабабли комбинат томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Европа давлатларига сотиш мақсадга мувофиқ эмас.

2. Мис ва латунъ маҳсулотлари бўйича асосий экспорт бозори Туркия давлати бўлиб, **2024 йил** февраль ойидан мис ва латунъ маҳсулотларига импорт божи **1,3 фоиздан 6,3 фоизгача** оширилиши натижасида Туркия давлатига экспорт ҳажми кескин пасайшиига олиб келди.

Шу билан бирга, ҳар ҳафтада биржса савдоларига ўртacha **20 минг тонна** маҳсулот сотувга қўйилмоқда. Бир тонна маҳсулотоннаинг ўртacha нарҳи **8,6 млн сўм**, жами **172 млрд сўмлик** маҳсулотоннаинг **5 %** миқдорида гаров маблаги **8,6 млрд сўмлик** маблаг биржса ҳисоб рақамида доимий бўлишии керак. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитида, бу эркин рақобатга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

#### **4. Таннархни қисқартириш.**

2024 йилда маҳсулот таннархини **519,4 млрд сўмга** (**25 %**) қисқартирилишига эришилди (режага нисбатан **100,1 %**).

#### **5. Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар.**

2024 йил 1 январь ҳолатига дебитор қарздорлик **2 286,82 млрд сўм**, кредитор қарздорлик **1 313,91 млрд сўм**.

2025 йил 1 январь ҳолатига дебитор қарздорлик **1 534,22 млрд сўм**, кредитор қарздорлик **854,66 млрд сўм**.

#### **6. Бюджетга тушумлар.**

2024 йил якуни билан **644,3 млрд сўмни** ташкил этди.

#### **7. Соғ фойда.**

2024 йил якуни билан **499,4 млрд сўмни** ташкил этди ёки режага нисбатан **65,5 %** (յусии суръати **89,4 %**);

#### **8. Омборларда қолган металл прокати қолдиғи.**

2024 йил бошида **102,3 минг тонна** металл прокат маҳсулотлари қолдиқлари мавжуд бўлиб, 2025 йил 1 январь ҳолатига **17,2 минг тонна** мавжуд.